

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШБЕКОВ МУРОД АБДИМУСАЕВИЧ

**ГЛОМЕРУЛОНЕФРИТНИНГ ТУРЛИ КЛИНИК ШАКЛЛАРИНИ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИММУНОПАТОГЕНЕТИК
МЕХАНИЗМЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Эшбеков Мурод Абдимусаевич

Гломерулонефритнинг турли клиник шаклларини
ривожланишининг иммунопатогенетик механизмлари..... 3

Эшбеков Мурод Абдимусаевич

Иммунопатогенетические механизмы развития
различных форм гломерулонефрита..... 29

Eshbekov Murod Abdimusayevich

Immunopathogenetic mechanisms of development
of various forms of glomerulonephritis 54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 57

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШБЕКОВ МУРОД АБДИМУСАЕВИЧ

**ГЛОМЕРУЛОНЕФРИТНИНГ ТУРЛИ КЛИНИК ШАКЛЛАРИНИ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИММУНОПАТОГЕНЕТИК
МЕХАНИЗМЛАРИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Tib4166 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immuno.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамдамов Бахтиёр Зарифович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Залялиева Марьям Валиахмедовна
биология фанлари доктори, профессор

Ахмедова Нилуфар Шариповна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Слупскадаги Помор университети (Польша)

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс +99871-207-08-30, e-mail: immunology@academy.uz).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс: +99871-207-08-30, e-mail: immunologiya@qir.ru.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У. Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М. Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.А.Исмаилова

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сўнгги йилларда буйрак касалликларининг кўпайиши, гломерулонефрит (ГН) натижасида сурункали буйрак етишмовчилигининг ривожланиши ва беморлар ҳаёт сифати пасайишига олиб келиши билан соғлиқни сақлаш тизимида жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра, «... гломерулонефрит сурункали буйрак етишмовчилиги келиб чиқишининг сабабларидан бири бўлиб, кўпинча ишга яроқли ёшдаги инсонларда кўп учрамоқда...»¹. Касаллик кечишининг хилма-хиллиги, патогенезнинг мураккаблиги ва ГН фонида кўплаб асоратлар ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ушбу касалликни эрта ташхислаш, оқибатларини башоратлаш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида, буйрак касалликлари, жумладан гломерулонефрит клиник кўринишларини замонавий ташхислаш, клиник-иммунологик жиҳатларини аниқлаш, даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада гломерулонефрит ва сурункали буйрак етишмовчилиги барвақт ташхислаш, учраш даражаси ва ривожланиш омилларини аниқлаш, беморларда касаллик ривожланишига сабаб бўладиган турли иммуно-генетик омилларни аниқлаш, касалликда гормонал ҳолат хусусиятларини аниқлаш, беморларда иммун тизим цитокинлари миқдорини аниқлаш, гломерулонефритни эрта ташхислаш ва кечишини прогноزلашнинг алгоритмини ишлаб чиқиш, касаллик профилактикасига тизимли ёндашиш, аҳоли ҳаёт сифатини яхшилашга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан буйрак касалликлари бўлган беморларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «... бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, гломерулонефрит касалликларида иммун ва гормонал тизим фаолияти ҳамда ривожланишига таъсир қилувчи омилларни янги жиҳатларини аниқлаш ва даволашнинг юқори самарали замонавий усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Нефрология. Национальное руководство. Краткое издание/Под ред. Н.А. Мухина – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2014.– 608с.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ГН - турли этиологияли, буйрак коптокчалари зарарланиши билан кечадиган иммун яллиғланиш касаллигидир (Мухина Н.А.2014, Муркамилов И.Т. ва бошқалар 2020), Касалликнинг патогенезида генетик омиллар билан биргаликда аутоиммун жараёнлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. ГН ривожланишининг иммунологик механизмлари туғима ва орттирилган иммунитет омиллари билан боғлиқ. Цитокинлар профилининг фаоллашишига параллел равишда патогенга жавобан гипоталамо-гипофизар-тиреоид тизими фаоллашади. Илгари амалга оширилган тадқиқотлар маълумотларига асосан иммун ва эндокрин тизимлари ўртасида TLR рецепторлари боғловчи роль ўйнайди (Мухина Н.А.2014, Kimmel M. 2020).

Маълумки, айланиб юрувчи цитокинлар организмга тизимли таъсир кўрсатади, ҳимоя реакцияларини таъминлаш учун зарур бўлган турли аъзолар ва тизимларнинг функцияларини хусусан гипофиз-қалқонсимон ўқ ва иммун тизимининг ҳолатини модуляциялайди (Смирнова М.М. 2021; Кудряшов С.И. 2021; Antonelou M. et al., 2022). Шу билан бирга, тиреоид гормонлар буйракларнинг ривожланиши ва функциясини модуляция қилишга қодир (Mohammad D, Baracco R., 2020). Қалқонсимон без гормонларининг коптокчалар филтрациясига (Antonelou M et al., 2022; El-Zaatar Z.M., 2023; Villacorta J. et al., 2023) ва каналчалар функциясига таъсири исботланган (Couser WG. 2016; Sethi S, Fervenza F.C. 2019). Шундай қилиб, ҳозирги вақтда маълум бўлган адабиётлар маълумотлари турли хил яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг қалқонсимон без функциясига таъсири ҳақида аниқ тасаввур бера олмайди.

Юқорида келтирилган адабиётларнинг маълумотлари цитокинларнинг ГН ривожланишида ҳам, буйрак функциясига таъсир қилувчи қалқонсимон

без гормонларини ишлаб чиқаришда ҳам муҳим ролини кўрсатади, бу эса ГН билан касалланган беморларда, ГН нинг турли клиник шакллари патогенезининг цитокин воситачилигидаги механизмларини аниқлаш учун яллиғланишга хос ва яллиғланишга қарши цитокинларни ишлаб чиқариш хусусиятларини, тиреоид ҳолатни ҳамда орттирилган ва туғма иммунитет ҳолатини ўрганиш заруратини белгилайди. ГНни ташхислаш ва даволашнинг янги усуллари мунтазам такомиллаштирилишига қарамай, касаллик энг мураккаб ва долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 012000260-сонли «Юқумли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш» (2018-2023 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гломерулонефритни турли клиник шакллари ривожланишининг иммунопатогенетик механизмларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гломерулонефритнинг турли - латент, нефротик, гипертоник ва аралаш клиник шакллари клиник-лаборатор хусусиятларини аниқлаш;

гломерулонефритнинг турли клиник шаклларида туғма ва орттирилган иммун жавоб кўрсаткичларини аниқлаш;

клиник кечиш шаклига кўра гломерулонефрит билан касалланган беморларда яллиғланишга хос ва қарши цитокинлар миқдорини аниқлаш;

қалқонсимон без тизимининг гломерулонефрит турли клиник шаклларида ҳолатини аниқлаш;

қалқонсимон без тизимининг клиник-лаборатор, иммунологик ва функционал кўрсаткичлари ўртасидаги энг муҳим корреляцион боғлиқликларни аниқлаш ва гломерулонефрит клиник кечишини эрта башоратлаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-2023 йиллар давомида Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида назоратда бўлган гломерулонефритни турли клиник шакллари билан касалланган 103 нафар бемор ва 20 нафар амалий соғлом шахслар олинди.

Тадқиқотнинг предмети гломерулонефритнинг турли клиник шакллари билан касалланган беморлар ва соғлом шахслар вена қони ва қон зардоби гормонал, биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, анамнестик, гормонал, биокимёвий, иммунологик, инструментал ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор гломерулонефритли беморларларда IL-10 миқдори камайиши IL-1 β ва IL-8 цитокинлари миқдорининг ортиши фониди, Th2-хужайралар фаоллигининг кучайиши ва гипофизар-тиреоид тизим фаолиятининг

гипотиреозид турида бузилиши сабабли гломерулонефритнинг нефротик шакли ривожланганиши исботланган;

илк бор гломерулонефритнинг гипертоник шакли ривожланганишига гломерулонефритли беморларларда IL-10 ва IL-8 цитокинлари миқдорининг камайиши, адаптив иммунитетнинг хужайравий ва гуморал бўғинининг минимал фаоллиги ва субклиник гипотиреоз сабаб бўлиши исботланган;

илк бор гломерулонефрит симптомсиз кечиши ривожланишига беморларларда IL-1 β миқдорини ортиши тенденцияси фонида IL-10 миқдорини кескин камайиши ҳамда гипофизар-тиреоид тизимдаги ўзгаришлар мувозанатлашуви билан Th1-хужайралар фаоллашуви сабабли юзага келиши аниқланган;

илк бор гломерулонефритнинг нефротик шакли ривожланишига гипофизар-тиреоид тизим фаолиятининг интеграл (ИТИ (эрк.Т3+эрк.Т4) / ТТГ; эркинТ4/эркинТ3; эркин Т4/ТТГ) ва цитокинлар индекси (IL-1 β /RAIL-1 β) кўрсаткичлари юқори бўлиши, яширин шаклларида эса кескин камайиши сабаб бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гломерулонефрит билан оғриган беморларда туғма ва адаптив иммунитет кўрсаткичлари ҳамда (IL-1 β , IL-10 ва IL-8) цитокинлар миқдорини аниқлаш асосланган;

гломерулонефрит турли клиник шаклларида қалқонсимон без тизими фаолиятини аниқлаш исботланган;

гломерулонефрит билан оғриган беморларда интеграл кўрсаткичлар - тиреоид индекси - (эрк.Т3+эрк.Т4)/ТТГ ва цитокин индексини (IL-1 β /RAIL-1 β) клиник кечиш шаклини башоратлаш мезонлари сифатида аниқлаш таклиф қилинган;

гломерулонефрит касаллигининг клиник кечишини эрта башоратлаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гломерулонефритни турли клиник шакллари ривожланиши иммунопатогенетик механизмларида туғма ва адаптив иммунитет кўрсаткичлари ҳамда яллиғланишга хос ва қарши (IL-1 β , IL-10 ва IL-8) цитокинлар миқдоридеги ўзгаришлар, қалқонсимон без тизими (Т3, Т4, ТТГ) фаолиятидаги ўзгаришлар ҳамда гломерулонефритнинг клиник (нефротик, гипертоник, аралаш, симптомсиз) шакллари билан боғлиқлигини аниқланиши ушбу касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гломерулонефритнинг турли клиник шакллари ривожланишида яллиғланишга хос ва қарши цитокинлари ҳамда қалқонсимон без тизими фаолиятини аниқлаш асосланганлиги, гломерулонефрит билан оғриган беморларда интеграл кўрсаткичлар - тиреоид индекси - (эрк.Т3+эрк.Т4)/ТТГ ва цитокин индексини (IL-1 β /RAIL-1 β) клиник кечиш шаклини башоратлаш мезонлари сифатида аниқлаш таклиф қилинганлиги ҳамда гломерулонефрит касаллигининг

клиник кечишини эрта башоратлаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, умумклиник, анамнестик, гормонал, биокимёвий, иммунологик, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Иммунология ва инсон геномикаси институти Эксперт кенгашининг 2024 йил 15 мартдаги №PhD 5a-2/010-сонли хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор гломерулонефритли беморларларда IL-10 миқдори камайиши IL-1 β ва IL-8 цитокинлари миқдорининг ортиши фонида, Th2-хужайралар фаоллигининг кучайиши ва гипофизар-тиреоид тизим фаолиятининг гипотиреоид турида бузилиши сабабли гломерулонефритнинг нефротик шакли ривожланганиши исботланган;

илмий янгиликнинг аҳамияти: гломерулонефритнинг нефротик шакли билан касалланган беморларда яллиғланишга хос цитокинлар ортиши, яллиғланишга қарши цитокинлар миқдори камайиши, Th2-хужайралар фаоллигининг кучайиши ва гипофизар-тиреоид тизим фаолиятининг гипотиреоид турида бузилиши билан намоён бўлади;

илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарканд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига жорий қилинган (Самарканд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгашининг 2024 йил 30 январдаги 6-сонли маълумотномаси);

илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: гломерулонефритнинг турли клиник шакллари билан касалланган шахсларни ўз вақтида ихтисослаштирилган даволаш тактикасини қўллаш касалхонада даволаниш давомийлигини қисқартириш ҳамда асоратларини камайтиришга имкон яратади ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш касалликнинг натижаси ва беморнинг ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатган;

илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: Самарканд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида даволаш шуни кўрсатдики, гломерулонефритнинг турли клиник шаклларида цитокин ва гормонал ҳолатнинг бузилишини ўз вақтида аниқлаш орқали даволашдаги бир беморга

нисбатан иқтисодий самарадорлик 2500000 сўмни ташкил қилган; **хулоса:** Эшбеков Мурод Абдимусаевичнинг «Гломерулонефритнинг турли клиник шаклларида тиреоид профил кўрсаткичларини аниқлаш усули ва уларнинг цитокин тизими билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Самарқанд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгашининг 2024 йил 30 январдаги 6-сонли маълумотномаси).

иккинчи илмий янгилик: илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор гломерулонефритнинг гипертоник шакли ривожланганишига гломерулонефритли беморларларда IL-10 ва IL-8 цитокинлари миқдорининг камайиши, адаптив иммунитетнинг хужайравий ва гуморал бўғинининг минимал фаоллиги ва субклиник гипотиреоз сабаб бўлиши исботланган;

илмий янгиликнинг аҳамияти: гломерулонефритнинг гипертоник шакли ривожланган беморларда ўзига хос иммун жавоб фаолияти ҳосил бўлиб цитокинлари миқдорининг камайиши, адаптив иммунитетни хужайравий ва гуморал бўғинининг минимал фаоллиги ва субклиник гипотиреоз тарзида намоён бўлади;

илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига жорий қилинган (Самарқанд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгашининг 2024 йил 30 январдаги 6-сонли маълумотномаси);

илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: гломерулонефритнинг турли клиник шакллари билан касалланган шахсларни ўз вақтида ихтисослаштирилган даволаш тактикасини қўллаш касалхонада даволаниш давомийлигини қисқартириш ҳамда асоратларини камайтиришга имкон яратади ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш касалликнинг натижаси ва беморнинг ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатган;

илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида даволаш шуни кўрсатдики, гломерулонефритнинг турли клиник шаклларида цитокин ва гормонал ҳолатнинг бузилишини ўз вақтида аниқлаш орқали даволашдаги бир беморга нисбатан иқтисодий самарадорлик 2500000 сўмни ташкил қилган; **хулоса:** Эшбеков Мурод Абдимусаевичнинг «Гломерулонефритнинг турли клиник шаклларида тиреоид профил кўрсаткичларини аниқлаш усули ва уларнинг цитокин тизими билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Самарқанд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгашининг 2024 йил 30 январдаги 6-сонли маълумотномаси).

учинчи илмий янгилик: илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор гломерулонефрит симптомсиз кечиши ривожланишига беморларларда IL-1β миқдорини ортиши тенденцияси фонида IL-10 миқдорини кескин камайиши

хамда гипофизар-тиреоид тизимдаги ўзгаришлар мувозанатлашуви билан Th1-хужайралар фаоллашуви сабабли юзага келиши аниқланган;

илмий янгиликнинг аҳамияти: гломерулонефрит симптомсиз кечиши ривожланган беморларларда яллиғланишга хос ва қарши цитокинлар дисбаланси хамда гипофизар-тиреоид тизимдаги ўзгаришлар мувозанатлашуви билан Th1-хужайралар фаоллашуви билан намоён бўлади;

илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига жорий қилинган (Самарқанд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгашининг 2024 йил 30 январдаги 6-сонли маълумотномаси);

илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: гломерулонефритнинг турли клиник шакллари билан касалланган шахсларни ўз вақтида ихтисослаштирилган даволаш тактикасини қўллаш касалхонада даволаниш давомийлигини қисқартириш хамда асоратларини камайтиришга имкон яратади ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш касалликнинг натижаси ва беморнинг ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатган;

илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида даволаш шуни кўрсатдики, гломерулонефритнинг турли клиник шаклларида цитокин ва гормонал ҳолатнинг бузилишини ўз вақтида аниқлаш орқали даволашдаги бир беморга нисбатан иқтисодий самарадорлик 2500000 сўмни ташкил қилган; **хулоса:** Эшбеков Мурод Абдимусаевичнинг «Гломерулонефритнинг турли клиник шаклларида тиреоид профил кўрсаткичларини аниқлаш усули ва уларнинг цитокин тизими билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Самарқанд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгашининг 2024 йил 30 январдаги 6-сонли маълумотномаси).

тўртинчи илмий янгилик: **илмий янгиликнинг моҳияти:** илк бор гломерулонефритнинг нефротик шакли ривожланишига гипофизар-тиреоид тизим фаолиятининг интеграл (ИТИ (эрк.Т3+эрк.Т4) / ТТГ; эркинТ4/эркинТ3; эркин Т4/ТТГ) ва цитокинлар индекси (IL-1β/RAIL-1β) кўрсаткичлари юқори бўлиши, яширин шаклларида эса кескин камайиши сабаб бўлиши аниқланган.

илмий янгиликнинг аҳамияти: гломерулонефрит билан касалланган беморларда гипофизар-тиреоид тизим фаолиятининг интеграл индекси ва цитокинлар индекси кўрсаткичларининг ортиши салбий ўзгаришларга, яъни касалликнинг оғир кечишида олиб келиши билан изоҳланади;

илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси, Республика шошилич тиббий ёрдам

илмий марказининг Бухоро филиали ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига жорий қилинган (Самарқанд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгашининг 2024 йил 30 январдаги 6-сонли маълумотномаси);

илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: гломерулонефритнинг турли клиник шакллари билан касалланган шахсларни ўз вақтида ихтисослаштирилган даволаш тактикасини қўллаш касалхонада даволаниш давомийлигини қисқартириш ҳамда асоратларини камайтиришга имкон яратади ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш касалликнинг натижаси ва беморнинг ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатган;

илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали ва Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида даволаш шуни кўрсатдики, гломерулонефритнинг турли клиник шаклларида цитокин ва гормонал ҳолатнинг бузилишини ўз вақтида аниқлаш орқали даволашдаги бир беморга нисбатан иқтисодий самарадорлик 2500000 сўмни ташкил қилган; **хулоса:** Эшбеков Мурод Абдимусаевичнинг «Гломерулонефритнинг турли клиник шаклларида тиреоид профил кўрсаткичларини аниқлаш усули ва уларнинг цитокин тизими билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Самарқанд давлат тиббиёт университети Эксперт кенгашининг 2024 йил 30 январдаги 6-сонли маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 6 та, шу жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 109 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, муҳимлиги, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ушбу тадқиқотларнинг республика фан ва техникасининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, натижаларнинг жорий қилиниши тўғрисидаги тадқиқот маълумотлари, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар

келтирилган.

Диссертациянинг «**Буйрак патологиясида организмнинг иммун ва гормонал статусининг ҳолати**» деб номланган биринчи бобида шу кунгача мавзу бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар, ушбу йўналишда олиб борилётган тадқиқотлар, ютуқлар, камчиликлар, тажрибалар, гломерулонефритнинг турли клиник шакллариининг патогенетик механизмларининг мавжуд илмий тадқиқот усуллари, жаҳон ва МДХ мамлакатлари олимларининг тадқиқот усуллари, иммун тизими ва иммуноцитокинларнинг тавсифи, иммун тизимининг организмнинг эндокрин тизими билан боғлиқлиги, гормонларнинг туғма ва орттирилган иммунитет ва цитокин ишлаб чиқариш фаолиятига, шунингдек ГНнинг клиник кечишига таъсири кўплаб адабий манбалардан олинган маълумотлардан фойдаланган ҳолда батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи боби клиник материал ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган. Ушбу бобда тадқиқот ишининг кўлами, дизайни ва тадқиқот усуллари батафсил тавсифланган.

Бизнинг кузатувида 2021-2023 йилларда стационар даволанган ГН билан оғриган беморлар бўлган. Ушбу даврда ГНнинг турли шакллари бўлган 1340 бемор даволанди: латент билан 756 бемор, нефротик билан 154, гипертоник билан 250 ва аралаш ГН билан 180 бемор, уларнинг маълумотлари материалнинг клиник-эпидемиологик таҳлилида ишлатилган. Кейинчалик гормонал, иммун ва цитокин ҳолатларини чуқурлаштирилган ўрганишда беморларнинг умумий сонидан ГН билан касалланган 103 бемор танлаб олинган. Тадқиқотда иштирок этиш учун ихтиёрий равишда хабардор қилинган розиликни имзолаган беморлар киритилган.

Текширилган беморларнинг ёши 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган. Текширув ва ташҳисни тасдиқлаш вақтида беморларнинг ўртача ёши $35,0 \pm 4,7$ ёшни ташкил этди. Анамнестик маълумотларга кўра касалликнинг давомийлиги 2 ҳафтадан 33 йилгача (ўртача $12,1 \pm 2,9$ йил) ни ташкил қилди.

ГН клиник - биокимёвий ва лаборатор тадқиқот усуллари натижалари асосида ташҳисланган.

Беморлар тўрт гуруҳга бўлинган: I-гуруҳни - ГНнинг латент шакли билан касалланган беморлар ($n=28$); II-гуруҳни - ГНнинг нефротик шакли билан оғриган беморлар ($n=25$); III-гуруҳни – ГНнинг гипертоник шакли билан беморлар ($n=25$); IV-гуруҳни – ГНнинг аралаш шакли бўлган беморлар ($n=25$) ташкил қилди.

Тадқиқотга киритиш мезонлари қуйидагилар бўлган:

- 1) 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган иккала жинсдаги беморлар,
- 2) тасдиқланган ГН ташҳиси,
- 3) беморнинг клиник экспериментда иштирок этиш учун ёзма равишда ихтиёрий равишда хабардор қилинган розилиги.

Тадқиқотдан четлатиш мезонлари қуйидагилар эди:

- 1) гиёҳвандлик, сурункали алкоғолизм ва бошқалар;
- 2) ривожланган тизимли аутоиммун касалликлар;

- 3) ГН дан фарқланувчи бошқа буйрак патологияси;
- 4) бирламчи иммунитет танқислиги бўлган шахслар;
- 5) буйрак етишмовчилиги белгилари билан ГН (зардобдаги креатинин 200 мкг/л дан юқори, КФТ 60 мл/мин дан паст);
- 6) ҳомиладор аёллар.

Текширилган беморларни даволаш 2012 йилдаги гломерулонефрит KDIGOни даволаш бўйича амалий клиник тавсияларга мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқот объекти бўлиб периферик қон хизмат қилди. Текширувлар икки марта – даволашни бошлашдан олдин (стационар даволанишнинг 1-2 кун) ва даволанишнинг стационар босқичи тугагандан сўнг (14-15 - кунлар) ўтказилди.

Беморларда иммун ҳолатни ўрганиш иммунитетнинг ҳужайравий, гуморал бўғинларини аниқлаш, шунингдек моноклонал антитаналар (АЖ «Сорбент», СПб) ёрдамида CD23+, CD25+, CD38+, CD95+, CDHLA-DR+ фаоллаштириш маркёрларини аниқлаш билан амалга оширилди.

CD3+- Т-лимфоцитлар, CD4+ - Т-хелперлар, CD8+ - Т-цитотоксик лимфоцитлар, CD16+ - табиий киллер ҳужайралар, CD20+ - В-лимфоцитлар, интерлейкину-2 га рецептор билан CD25+ - лимфоцитлар, физиологик апоптозга рецептор билаен CD95+ - лимфоцитлар, МНС II синфига мансуб CDHLA-DR+ - молекулалар аниқланди.

А, М, G синфларига мансуб иммуноглобулинлар концентрациясини аниқлаш Ig A, M, G га моноклонал антитаналар ёрдамида қаттиқ фазали иммунофермент таҳлилнинг икки босқичли “сэндвич” версиясига асосланган аниқлаш усули билан амалга оширилди (ҳар бир иммуноглобулинни аниқлаш алоҳида амалга оширилади). Зардобдаги ЦИК концентрацияси полиэтиленгликол (ПЭГ-6000) билан чўктириш усули билан аниқланди.

Тиропероксидаза (анти-ТПО) га гормонлар ва антианаларни миқдорий аниқлаш қаттиқ фазали ИФТ усули НПО «Вектор-Бест» МЧЖ (Новосибирск) стандарт тўпламлари ёрдамида амалга оширилди: ДС-ИФТ-Тироид-ТТГ (қон зардобда тиреотроп гормонини (ТТГ) миқдорий аниқлашга мўлжалланган иммунофермент тест-тизими), ДС-ИФТ-Тироид-эркин Т4 (қон зардобда эркин тироксин - эрк.Т4 ни миқдорий аниқлашга мўлжалланган иммунофермент тест-тизими), ДС-ИФА-Тироид-эркинТ3 (қон зардобда эркин учйодтиронин-эрк.Т4ни миқдорий аниқлашга мўлжалланган иммунофермент тест-тизими), ДС-ИФА-Тироид-анти-ТПО (қон зардобда тироид пероксидаза учун аутоантитаналарни миқдорий аниқлаш учун мўлжалланган-анти-ТПОни миқдорий аниқлашга мўлжалланган иммунофермент тест-тизими). ИФТ тўпламларга бириктирилган усулларга мувофиқ амалга оширилди.

Барча текширилаётганларда гипофизар-тиреоид тизимнинг функционал ҳолатини баҳолашни чуқурлаштириш учун тиреоид гормонлар даражасини аниқлашда ёрдамчи ташҳисот индекслари ҳисоблаб чиқилган: интеграл тиреоид индекси (ИТИ) = (эрк.Т3+эркТ4)/ТТГ; прогрессияловчи периферик

конверсия индекси (пПКИ) = эрк.Т4/ эрк.Т3 ва эрк.Т4/ТТГ (Струтинский М.И., 1966; Чудинова Е.Л., 2015).

Олинган маълумотлар «Statistica v. 10.0» амалий статистик таҳлил ишчи пакети ёрдамида қайта ишланган. Ўрганилаётган кўрсаткичлар ва унинг йўналиши ўртасидаги боғлиқлик даражасини аниқлаш учун Спирмен ранг корреляция коэффициентини (r_s) ҳисоблаш асосида корреляцион таҳлил ўтказилган, коэффициентларнинг ишончлилиги $p_{rs} < 0,05$ да мақбул деб ҳисобланган. Беморларни ўрганиш натижалари 20 та амалий соғлом шахсларни ўрганишда олинган назорат гуруҳининг қийматлари билан таққосланган.

Диссертациянинг «**Гломерулонефритнинг турли клиник шакллари бўлган беморларнинг цитокин ва иммун ҳолатининг клиник-эпидемиологик тавсифи ва кўрсаткичлари**» деб номланган учинчи бобида касалликнинг клиник шаклига кўра эпидемиологик, клиник ва иммунологик кўрсаткичлари баҳоланган.


Бизнинг кузатувимиз остида 2022-2023 йилларда стационар даволанган ГН билан касалланган беморлар бўлган. Тадқиқотга Хелсинки декларациясига мувофиқ иштирок этиш учун ихтиёрий равишда хабардор қилинган розиликни имзолаган беморлар киритилган. Ушбу тадқиқотда иштирок этиш учун кузатилган беморларнинг умумий сонидан ГН билан касалланган 103 бемор танлаб олинган. Текширилган беморлар касалликнинг устунлик қилувчи синдромларига қараб 4 гуруҳга бўлинган.

Нефрологик стационар беморлари учун стандарт текширувлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, кўриб чиқиладиган ГН билан оғриган беморлар гуруҳларида нефротик ГН билан оғриган беморлар гуруҳи алоҳида ўрин тутди, улар касалликнинг бошқа шакллари бўлган беморларнинг кўрсаткичларига нисбатан энг кўп клиник-лаборатор фарқларга эга. Хусусан, беморларнинг ушбу гуруҳи қизил қон таначалари, умумий оқсил, албумин фракциясининг энг паст қийматлари С-РО, ЭЧТ, креатинин, эозинофил ҳужайраларининг якуний кўрсаткичларининг максимал қийматлари хос бўлган, сийдик таҳлилларида эса кундузги ва умумий диурезнинг минимал қийматлари фонида оқсил, лейкоцитлар, гиалин цилиндрларининг энг юқори ўртача дастлабки қийматлари қайд этилди. Худди шу беморларда КФТнинг энг паст ўртача қиймати аниқланган. ГН нинг сийдик варианты бўлган беморлар гуруҳининг кўриб чиқилган кўрсаткичларининг аксарияти нефротик ГН бўлган беморларнинг кўрсаткичларига бевосита қарама-қарши эди. Хусусан, биринчиларида қонни текширишда эритроцитлар, моноклеар ҳужайралар микдорининг максимал қийматлари СРО, ЭЧТ, креатининнинг минимал даражаларида аниқланган. Бундан ташқари, касалликнинг сийдик варианты бўлган беморлар гуруҳида КФТ нинг максимал даражаси қайд этилган. ГНнинг гипертоник шакли бўлган беморлар қуйидагилар билан ажралиб турган: нейтрофилларнинг нисбий сонининг, СРОнинг қондаги минимал қийматлари, трансаминазаларнинг максимал даражаси. Бунда худди шу беморларда сийдикнинг солиштирма оғирлигининг минимал қиймати қайд этилган.

ГНнинг аралаш шакли бўлган беморлар гуруҳига қондаги лейкоцитлар, нейтрофиллар, мочевинанинг энг юқори кўрсаткичлари, лимфоцитларнинг энг паст нисбий ва мутлоқ сони билан ажралиб турган.

ГН патогенезида турли хил иммунологик омилларнинг патогенетик ролини аниқлаш учун биз стационар даволаниш пайтида (1-2 ва 14-15-кун) ГН билан оғриган беморларнинг қон зардобидида ва амалий жиҳатдан соғлом одамларда бир қатор турли хил цитокинлар (IL-1 β , IL-8, IL-10, IFN- γ) даражасини аниқладик.

Касалхонага ётқизилганда ГН билан касалланган беморларнинг қиёсий таҳлилида ўрганилаётган цитокинлар даражасининг назорат гуруҳидан фарқи аниқланди (1-расм). Барча ўрганилган цитокинларда фарқлар кузатилди: IL-1 β – 6,5 марта, IL-8 – 2,4 марта, IL-10 – 2,7 марта, IFN- γ – 8,6 марта. RAIL-1 β нинг даражаси ҳам ошган ва назорат гуруҳи даражасидан 7,2 бараварга фарқ қилган. Цитокин даражасининг бундай динамикаси стационар даволаниш тугагунига қадар давом этган (14-15-кун). RAIL-1 β ва IFN- γ даражасига кўра эса, стационар даволаниш динамикасида ишонарли пасайиш аниқланган.



1-расм. ГН билан касалланган беморларда қон зардобидидаги цитокинлар миқдори (пг/мл)

Тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичи ГНнинг клиник шаклига қараб беморларнинг цитокин ҳолатини ўрганиш эди. Таққослаш алоҳида олинган бир шаклнинг кўрсаткичлари билан тўпламнинг кўрсаткичлари ўртасида амалга оширилди, унда ГНнинг бошқа барча шакллари бирлаштирилган.

ГН нинг яширин шаклига яллиғланишни кўлловчи цитокинлар - IL-1 β нинг паст даражаси хос бўлган, унинг рецепторли антагонистининг ва IL-8 нинг, ҳам даволаниш бошида ҳам охирида, яллиғланишга қарши цитокинларнинг дастлабки кўрсаткичлари эса (IL-10 ва IFN- γ), жуда юқори даражада бўлган. ГН нинг латент шаклида, IL-1 β ва RAIL-1 β ининг экспрессияси даражаси фақатгина бир томонлама ошган, буни назорат

кўрсаткичлари чегарасида бўлган ушбу цитокинларнинг (IL-1 β /RAIL-1 β) нисбатининг тенг бўлган интеграл кўрсаткич асосида баҳолаш мумкин, шунингдек, беморларнинг таққослаш гуруҳида, яъни ГН нинг бошқа шакллари бирлаштирилган гуруҳда IL-1 β даражасининг ошиши, RAIL-1 β ишлаб чиқарилиши даражасидан устунлик қилган, натижада, ушбу интеграл кўрсаткичнинг ўртача қиймати - IL-1 β /RAIL-1 β назорат гуруҳидаги ушбу кўрсаткичдан 2,89 баравар юқори бўлди. ГНнинг латент шакли билан оғриган беморларда стационар даволаш пайтида цитокин ҳолатида сезиларли ўзгаришлар бўлмади.

ГНнинг нефротик шакли билан касалланган беморларда цитокин даражасидаги ўзгаришлар касалликнинг яширин шакли бўлган беморларда аниқланган ўзгаришлар ГН нинг бошқа шакллари бўлган беморлардаги IL-1 β , RAIL-1 β ва IL-8 даражасига қараганда юқори эди, IL-10 даражаси эса паст бўлди. ГНнинг нефротик шакли билан касалланган беморларда даволанишнинг якунида IFN- γ миқдори касалликнинг бошқа шакллари бўлган беморлардаги ушбу цитокин қийматига нисбатан паст бўлган.

Умумий гуруҳ беморларида IL-1 β ва RAIL-1 β даражасининг ошиши бир хилда бўлган, бунинг натижасида уларнинг балансини акс эттирувчи интеграл кўрсаткич (IL-1 β /RAIL-1 β) назорат қийматларидан юқори бўлмаган. ГНнинг нефротик шакли билан касалланган беморларда бу интерал кўрсаткич умумий гуруҳга қараганда 3,2 бараварга, назорат гуруҳига қараганда 4,5 бараварга юқори бўлган.

ГНнинг гипертоник шакли билан оғриган беморларга даволанишдан олдин IL-8 ва IL-10 нинг паст даражаси ва RAIL-1 β нинг юқори кўрсаткичи характерли бўлган.

ГН нинг аралаш шакли умумий гуруҳдаги беморларга нисбатан даволанишдан олдин IL-8 нинг юқори даражаси ва даволанишдан кейин IL-1 β , IFN- γ и IL-10 нинг юқори даражаси билан тавсифланган. Шунингдек, даволанишдан кейин интеграл кўрсаткич IL-1 β /RAIL-1 β нинг ошиши билан IL-8 экспрессиясининг пасайиши кузатилган.

Тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичи ГНнинг турли клиник шакллари бўлган беморларнинг цитокин ҳолатини ўрганиш эди (1-жадвал.). Тақдим этилган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, ҳар бир клиник шаклга алоҳида цитокиннинг динамик фаоллиги характерли. Шундай қилиб, нефротик шаклга IL-8 нинг энг паст даражалари билан ажралиб турди, ушбу цитокиннинг энг юқори даражаси аралаш шаклда бўлди. Яширин шакл учун IL-10 нинг максимал даражаси характерли бўлган, ушбу цитокиннинг энг паст қийматлари нефротик ва гипертоник шаклларда бўлган. ГН нинг нефротик шаклида IL-1 β ва RAIL-1 β нинг юқори қийматлари, паст қийматлари - ГН нинг сийдик шаклида кузатилди. IFN- γ кўрсаткичи фақатгина ГН нинг яширин шаклида фарқларга эга эди ва касалликнинг бошқа шакллари бўлган беморларга қараганда юқори эди.

Яширин шакли бўлган беморларда даволанишдан олдин ва кейин цитокинлар даражасини таққослаганда, даволаниш жараёнида бирор-бир цитокинлар даражасида сезиларли динамика аниқланмади. Цитокин

профилининг яққол ифодаланган динамикаси касалликнинг нефротик шакли бўлган беморларда кузатилди, уларда IL-8, IL-10, IFN- γ ва RAIL-1 β даражалари пасайди. Аралаш вариантда, IL-8 ишлаб чиқариш даражаси касалликнинг нефротик шаклига эга беморларда бўлгани каби камайди, бироқ, охириларидан фарқли ўларок, IL-1 β /RAIL-1 β нисбати қиймати ошди. ГН нинг гипертоник шакли билан оғриган беморлар гуруҳида RAIL-1 β даражаси IL-10 даражасининг бироз пасайиши фониди ошди.

1-жадвал

ГН нинг турли хил шакллари бўлган беморларда цитокинлар миқдори

Цитокинлар, пг/мл	Касаллик кунлари	ГНнинг латент шакли n=28	ГНнинг нефротик шакли n=25	ГНнинг гипертоник шакли n=25	ГНнинг аралаш шакли n=25
IL-1 β	1-2-чи	10,8 \pm 1,6	107,1 \pm 21,6	14,1 \pm 21,6	24,1 \pm 21,6
	14-15-чи	7,1 \pm 1,1	72,1 \pm 19,1	22,3 \pm 11,5	37,3 \pm 11,5
IL-8	1-2-чи	2,5 \pm 1,1	6,8 \pm 1,2	4,7 \pm 1,2	8,7 \pm 1,2
	14-15-чи	2,8 \pm 1,2	5,7 \pm 1,1	5,2 \pm 1,1	5,4 \pm 1,1
IL-10	1-2-чи	4,8 \pm 1,7	2,8 \pm 0,7	2,8 \pm 0,7	3,9 \pm 0,8
	14-15-чи	2,7 \pm 1,4	2,7 \pm 1,1	2,7 \pm 1,1	4,7 \pm 1,1
RAIL-1 β	1-2-чи	380,3 \pm 24,6	780,3 \pm 24,6	512,3 \pm 24,6	507,3 \pm 21,6
	14-15-чи	367,4 \pm 27,5	567,4 \pm 27,5	767,4 \pm 27,5	467,4 \pm 22,5
IFN- γ	1-2-чи	83,1 \pm 23,5	73,1 \pm 33,5	58,1 \pm 33,5	38,1 \pm 13,5
	14-15-чи	54,7 \pm 26,7	44,7 \pm 26,7	57,7 \pm 26,7	62,7 \pm 16,7

Цитокин даражасининг якуний қийматларига кўра, шуни таъкидлаш керакки, нефротик ГН билан касалланган беморларда даволашнинг бошида аниқланган IL-1 β , RAIL-1 β ва IL-8 нинг минимал қийматлари сақланиб қолди. ГН нинг нефротик шакли бўлган беморларда фақат IL-10 даражаси узок вақт юқори бўлиб қолди, унинг ўртача қиймати, даволашнинг бошида бўлгани каби, беморларнинг бошқа гуруҳлари кўрсаткичларига нисбатан минимал қийматга эга эди. Бундан ташқари, нефротик ГНда даволашнинг охирида IFN- γ нинг энг паст қийматлари қайд этилди. Даволаш охирида гипертоник шакл билан касалланган беморларнинг цитокин профили нефротик ГН билан оғриган беморлар билан бирлаштирилган бошқа беморлар гуруҳларига нисбатан ИЛ-2 нинг қиймати пасайган. Аралаш ГНда IL-1 β , IL-10, IFN- γ ва IL-1 β /RAIL-1 β нинг юқори қийматлари аниқланган.

ГН билан касалланган беморларда туғма ва адаптив иммун жавоб кўрсаткичларини маҳаллий референс қийматлар билан таққослаш кўриб чиқиладиган гломеруляр патологияси бўлган беморларнинг иммун ҳолатига хос бўлган бир қатор хусусиятларни аниқлаш имконини берган. Хусусан, ГНда аниқланди: лейкоцитоз (нейтрофилларнинг мутлоқ миқдорининг ошиши туфайли), лимфоцитларнинг нисбий сонининг камайиши. Беморларда адаптив иммунитетнинг хужайравий механизми Т-лимфоцитлар (CD3+)

умумий сонининг камайиши, ҳам хелперли (CD4+) ҳам цитотоксик (CD8+) субпопуляциялар миқдорининг пасайиши билан тавсифланади. Гуморал иммун жавобга келсак, унга IgM ва IgA даражасининг ошиши характерли. ЦИК концентрациясининг ортиши кузатилди. Фаоллаштирувчи маркёрларни экспрессияловчи МНКларнинг субпопуляция таркибини таҳлил қилишда ГН билан касалланган беморларда CD25+ ва CD95+ -хужайраларининг камайиши аниқланди. Тадқиқот мақсадига боғлиқ ҳолда касалликнинг турли клиник шакллари бўлган беморларда адаптив ва туғма иммун жавоб кўрсаткичларининг хусусиятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. ГН нинг латент варианты бўлган беморларда лимфоцитларнинг миқдори бошқа беморлар гуруҳларига қараганда юқори, нейтрофиллар сони эса кам эди.

Адаптив иммун жавобнинг кўрсаткичлари бошланғич қийматларнинг устунлик қилувчи сони бўйича ГНнинг бошқа шакллари бўлган беморларнинг ўхшаш параметрларидан фарқ қилмади. CD25+-хужайраларининг миқдори истисно қилинди, уларнинг нисбий ва мутлоқ қийматлари касалликнинг бошқа шакллари бўлган беморларнинг ўхшаш параметрларидан ошиб кетди. Даволашнинг 12-14 кунларида кўриб чиқилган кўрсаткичларда сезиларли кўп фарқлар мавжуд бўлган. Шундай қилиб, яширин ГНда IgM, IgA, CD16+, CD95+ -хужайраларининг қийматлари пастроқ бўлган, IgG даражаси эса, аксинча, касалликнинг бошқа вариантларига қараганда юқори бўлган.

